# Ким ҳамд айтса, Аллоҳ уни эшитади

Image not found or type unknown



22:57 / 23.11.2022 2368

Али розияллоҳу анҳу ва Ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон рукуъдан бошларини кўтарсалар:

سَمِعَ اللهُ لِمَنْ حَمِدَهُ رَبَّنَا لَكَ الْحَمْدُ مِلْءُ السَّمَاوَاتِ وَمِلْءُ الْأَرْضِ وَمِلْءَ مَا شِئْتَ مِنْ شَيْءٍ بَعْدُ

«Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ, Роббана лакал ҳамду мил`ас самавати ва мил`а ларзи ва мил`а ма ши`та мин шай`ин баъд», дер эдилар.
(Маъноси: Ким ҳамд айтса, Аллоҳ уни эшитади. Раббимиз, Сенга осмон тўлалигича, ер тўлалигича ва ундан кейин нимани хоҳласанг, ўшанинг тўлалигича ҳамд бўлсин.)

Имом Муслим ривоятлари.